

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН
ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ
ЎРТАСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚЛАРИНИ
МУХОФАЗА ЭТИШ СОҲАСИДА
ҲАМКОРЛИК ТҮҶРИСИДА**

БИТИМ

Тошкент, 2006 йил 20 март

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги
ПҚ-347-сон Қарори билан тасдиқланган***

**(Ушбу Битимнинг 11-моддасига асосан
2006 йил 27 октябрдан кучга кирган)****

**Хужжатнинг рус тилидаги
матнига каранг**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

икки мамлакат ўртасида иқтисодиёт, савдо, маданият, фан ва техника соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш учун интеллектуал мулкни самарали муҳофаза этиш муҳимлигини эътироф этиб,

1967 йил 14 июнда Стокголмда тузилган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этувчи Конвенция (бундан кейин - Конвенция) қоидаларига асосланиб,

кулай шароитларни яратишни истаб ва тенглик ҳамда ўзаро фойда тамойиллари асосида интеллектуал мулкка тегишли ҳуқуқларни муҳофаза этиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш заруратини англаб,

қўйидагилар тўјрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Ушбу Битим мақсадларида "интеллектуал мулк" атамаси Конвенциянинг 2-моддасида кўрсатилган маънони англатади.

2-модда

1. Томонлар давлатларнинг миллий қонун хужжатлари ва улар иштирок этган халқаро шартномаларга мувофиқ, иккала давлат субъект-резидентларининг интеллектуал мулк ҳуқуқларига нисбатан самарали чораларни кўрадилар.

2. Бир давлатнинг жисмоний ва юридик шахслари бошқа давлат ҳудудида интеллектуал мулк соҳасида ўзининг жисмоний ва юридик шахсларига ушбу давлатнинг қонун

хужжатлари билан хозирги вақтда берилган ёки бериладиган худди шундай ҳукуқ ва афзаликлардан, ҳамда асослар ва ҳажмда уларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланадилар.

3-модда

Ўз давлатларининг қонун хужжатларига мувофиқ, Томонлар қўйидаги соҳаларда ҳамкорликни амалга оширадилар:

- 1) интеллектуал мулк обьектларига тегишли ҳуқуқларни муҳофаза этиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш;
- 2) интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза этиш соҳасида меъёрий ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва бу йўналишдаги ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ахборот алмашиб;
- 3) интеллектуал мулкни муҳофаза этиш соҳасида тадбирларни ўтказиш тажрибаси билан алмашиб;
- 4) ўқув, методик ва маҳсус адабиёт алмашиб;
- 5) интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза этиш соҳасида кадрларни тайёрлаш ва уларнинг касбий малакасини ошириш;
- 6) ҳалқаро ҳамкорлик тажрибаси ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза этиш бўйича кўп томонлама ҳалқаро шартномаларда Томонларнинг иштироки ва ушбу шартномалар билан боғлиқ мажбуриятларни бажариш бўйича ахборот алмашиб;
- 7) Томонлар ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорлик холати тўғрисида ахборот алмашиб;
- 8) интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза этиш масалалари бўйича қўшма семинарлар, конференцияларни ўтказиш ва кўргазмаларни ташкиллаштириш;
- 9) шунингдек ҳамкорликнинг бошқа соҳаларида.

4-модда

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза этиш соҳасида ҳамкорлик масалалари бўйича Томонлар давлатларининг ваколатли органлари ўртасида тузиладиган шартномалар қоидалари ушбу Битим қоидалари ва Томонлар давлатларининг қонун хужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

5-модда

Томонлар ўз давлатларининг қонун хужжатлари ва улар иштирок этган ҳалқаро шартномаларга мувофиқ, интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза этиш соҳасида ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чораларни кўрадилар.

6-модда

Агар икки томонлама ҳамкорликни амалга оширишда интеллектуал мулк обьектларини яратиш ёки улардан фойдаланиш кўзда тутилган ва уларга нисбатан маҳфийлик сақланиб

қолиниши лозим бўлса, тегишли шартномалар ёки битимларга маҳфийликни сақлаб қолиш тўғрисида қоидалар киритилади.

7-модда

1. Ушбу Битим қоидаларини бажариш бўйича Томонларнинг ваколатли органлари қуидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан - Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ва Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги;

Қозоғистон Республикаси Ҳукумати номидан - Козоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг Интеллектуал мулк ҳуқуqlари бўйича кўмитаси.

2. Ваколатли органларнинг номлари ёки вазифалари ўзгарган холда Томонлар дипломатик каналлар орқали ўз вақтида хабардор этилади.

8-модда

Ушбу Битимга Томонларнинг ўзаро розилигига кўра ушбу Битимнинг ажралмас қисмлари ҳисобланган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

9-модда

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ва/ёки қўллашда низо ва келишмовчиликлар юзага келган холда, Томонлар уларни маслаҳатлашув ва музокаралар йўли билан ҳал этадилар.

10-модда

Ушбу Битим қоидалари Томонлар иштирок этган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларга дахл қilmайди.

11-модда

1. Ушбу Битим кучга кириши учун лозим бўлган Томонларнинг давлат ички процедуранарини бажарганилиги тўғрисида охирги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан ўттиз кун ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Битим беш йил муддатга тузилади ва Томонлардан бири навбатдаги беш йиллик муддат тугашидан камида олти ой илгари унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонга ёзма хабарнома юбормаса, кейинги беш йиллик муддатларга узайтирилади.

12-модда

1. Ушбу Битимнинг амал қилиши тўхтаган холда унинг қоидалари, агар Томонлар ўзгача аҳдлашиб олмаган бўлсалар, ушбу Битим доирасида бошланган ва тугалланмаган барча тадбирларга нисбатан қўлланилиши давом этади.
2. Ушбу Битим амал қилишининг тўхтатилиши у амал қилишининг тўхтатилишига қадар юзага келган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳамда интеллектуал мулк обьектларига нисбатан маҳфийликни сақлаб қолиш бўйича мажбуриятларга дахл қилмайди.

(имзолар)

* Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 йил 18-сон, 149-модда.

** Ички процедураларни бажарганилиги тўғрисида маълумот бўлган Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2006 йил 28 сентябрдаги 12-1-2/2241-сон нотаси.

